



# Mustaqil gazeta

# HURRIYAT

1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan

№12 (266) 2002-yil 27-mart

"ХУРРИЯТ" СИЗНИКИ, Сиз ХУРРИЯТНИКИ бўлинг! Газетамизга обуна давом этмоқда. Нашр кўрсаткичимиз: Яқка обуначилар учун - 233, ташкилотлар учун - 234.

## Журналист суриштируву

ТЕСТ АБИТУРИЕНТ АДОЛАТ

**Кириш сўзи**  
Мамлакатимизда олий ўқув юрталарига кириш имтиҳонлари сифатида тест синовларининг жорий этилиши, ҳеч мунобаҳасиз, олий таълим тизимида ҳам, жамият ҳаётида ҳам тарихий-инқилобий воқеа бўлди: зар ва зўри борлар зар ва зўри йўғу билими борларга ўринларни бўшатиб беришди. Илгари, институтда ишлайдиган оддий ўқитувчи-ю лаборантнинг боласи ҳам, миёсиди билим захираси қандай бўлишидан қатъий назар, ота ё онаси ишлаб турган ўқув юртига албатта ўқишга кирган бўлса, тест жорий қилингандан сўнг 20-30 йил муайян олий ўқув юртида ишлайдиган профессорларнинг ўғил-қизи ҳам имтиҳондан "йўқилаётганига" атрофимизда мисоллар кўп. Айтиш мумкин, бу кундан тестдан муваффақиятли ўтиб, шартнома асосида институтга кирган олис кишидан булган оддий деҳқоннинг талаба фарзанди баъзан шартномага тўланадиган арзимаган маблағни тополмай ўқидан воз кечаётганига ҳам мисоллар топилади. Холбуки, у ўзининг билими-ю ақл-идроки орқали банд қилган ва атиги 100 миң сўм шартнома пули тўланадиган ўринга бирнеча ўн миллион сўм тўлашга тайёр қилинган билимсиз фарзанди ўтолмаган. Илгари эса... ўтган! Ва, унақа билимсиз талабалардан иқтидорсиз ва қобилиятсиз мутахассис-кадрлар "етишиб" чиқарилган. Бугун эса уларнинг ўрнини билим бойдорига мактабда мустаҳкам қўрилган талабалар эгаллаб, иқтидорли ва қобилиятли мутахассислар бўлиб чиқмоқда. Бу эса — жамиятнинг, Ватанинг тараққиёти, яъни, эл-юртнинг бахти демократия.

Тест синовларининг "тарихий-инқилобий роли" шунда бўлса керак.

Бирок, тест ҳаётимизга кирган дастлабки пайтларда бу синовни ҳам қўлболага айлантirmoқчи бўлган айрим олий ўқув юрталарининг довлари-ю бошқа шахслар жиноий жавобгарликка тортилган тест денгизи сокин мажлани бошлаган бўлса, кейинги йилларда яна турли гап-сўзлар айлашниш қолди одамлар орасида. Мен тестдан миннатдор фукаро (мактабни аълога битирган ва АКЕСЛС дастури орқали 12-синфни АКШда тугатиб келган қизим 1994 йилда юридик институтга 204 балл (кириш балли 170 эди) билан кирган — Х.О.) ва журналист сифатида тестга тил теккумоси бўлган хар қандай кишининг фикрини рад этиб, оғзига уриб келаман. Лекин, яқинда қўлимга тушган арзиза ва ҳужжатлар, шомол бўлмаса дархатнинг учми қимирламайди...ми, дегандай, ўйлантириб қўйди. Сўнг, шубҳа-ўйларга ойдинлик киритиш ва биринчи навбатда арзизачи абитуриент қизга тайинли жавоб бериш мақсадида, бироз шугулландим, жавоб излаб мутахассисларга мурожаат қилдим. Олдиндан айтиб қўялоқай, бунга мени Давлат тест маркази масъул ходимининг абитуриентга йўллаган жавоб хатиди, "Сиз кўрсатиб берган дарсликлардаги фактлар қўлимга муаллифларнинг хатоси сабабли шундай бўлиб қолган" деган гапи мажбур қилди. Қизиқ, мактабда ўқитилиб турган ДАРСЛИКЛАРнинг муаллифлари дарсликларни "хато" ёзган бўлса, бу дарсликларга таяниб тўғри жавоб берган абитуриентда нима айб?

Келинг, аввал ёзишмалар билан танишайлик, сўнг яна фикрлашармиз.

**"АРИЗА**  
Мен Аминова Умида Фозилжановна 2001 йили Тошкент Давлат юридик институтига тест синовларида қатнашиш учун ҳужжатларимни топширган эдим. 1 август кунги тест синовларига кирганимда, менга 142-вариант тушди. Мана шу вариантда она тили фанидан 7-рақамли саволни кўриб ҳайрон бўлдим. Саволи савол мукамал тузилмаганлиги сабабли, унинг жавоби сифатида иккита жавобни ҳам тўғри деб ҳисоблаш мумкин. Шунда мен улардан бирини, яъни "Она тили" дарслигида кўрсатилган жавобни белгиладим.

Тарих фанидан ҳам худди шундай бўлди, 4-рақамли саволнинг тўғри жавоби иккита экан. Улардан ҳам бирини яъни, мен ишончим қомил бўлган, мактаб дарслигида ўқиган жавобимни белгиладим.

Мен 1997 йилда Тошкент шаҳридаги Каримов Лимов номи 299-мактабни аъло баҳоларга битириб, шу йили ТДЮ-Ига ҳужжатларимни топширган эдим. Уша йили озгина балл етмай қолди. Бирок, мана шу йилда, шу институтга кириш истагим борлиги сабабли хар йили кириш имтиҳонни топшириб келаман. Бу йили эса менга институтга киришимга атиги 2,7 балл етмай қолди.

Наҳотки демократик-ҳуқуқий давлатда мен ва мен каби илгари чанқок, билимдон абитуриентлар ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қила олмасалар. Наҳотки қанчадан-қанча истеъдодли

(Давоми 2-бетда)

## Расмий

# БИР ЖУФТ МУЖДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов "2002 йилнинг 1 апрелидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида"ги Фармонга имзо чекди. Унда қайд этилишича, 2002 йилнинг 1 апрелидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, олий ўқув юрталари талабаларининг, ўрта махсус ва ҳунар-техника билим юрталари ўқувчиларининг стипендиялари ўрта ҳисобда 1.15 баравар оширилади.

Табиики, маъзур Фармон юртдошларимизнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш ва даромадларини янада оширишга хизмат қилади.

22 март куни Президент Ислам Каримов санъаткорларимизга қурувчилар совғаси бўлган Ўзбекистон Давлат консерваторияси янги биноси очилишида иштирок этган эди.

26 мартда Ислам Каримов Республика шойлинич тиббий хизмат илмий марказига ташриф буюриб, муассаса фаолияти билан танишди.

— Биз тиббиёт соҳасидаги ислохотларнинг илк босқичини яқунлашмиз, — деди Юртбошимиз. — Кейинги босқичда ихтисослашган тиббий муассасалар фаолиятини йўлга қўйиш диққат-эътиборимизда бўлади.

Бу каби марказлар аҳоли саломатлигини янада яхшилашга, малакали тиббий хизмат кўрсатилишида салмоқли ҳисса қўйиши шубҳасиздир.



Ўзбекистон Давлат консерваторияси иқтидорлар маскани бўлади!..

## Мулоҳаза

Наврўз гўзал байрам. Айём бахона Ватанимиз пойтахти — она Тошкентимиз, шаҳар, туман ва қишлоқларимиз ўзига тусга қиради. Турли широрлар, байроқлар, ижтимоий реклама, чироғу-безаклар байрам кайфиятига кайфият қўшади.

Буюк бобокалонларимизнинг пурҳикмат сўзлари битилган лавҳалар маърифатини боитидади. Автобусдами, автомобилдами, ёхуд пийда ана шу лавҳалар боис ҳикматлар чашмасидан қониб кетаверсан. Аммо...

Олий бозори олдида ўтиб кетаётган, бир лавҳага кўзим тушди-ю, ҳайратда қолдим: "Хар тунинг наврўз бўлибон, хар кунинг бўлсин наврўз". Биз Навоий бобомизнинг "Хар тунинг қадр ўлубон, хар кунинг ўлсин наврўз" сатрларини билар эдик. Унда ҳазрат Навоий инсон умрининг хар дақиқаси олтидан қимматлигига ишора қилиб, тунлар қадр тунлари каби хосиётли, кунлар наврўздек қувончбахш, шодибна кечига тилак билдирганлар. Аммо юқоридаги бу сийқалашган сатр... муаллифи, Навоийнинг тахрир этишга ўзида журъат сезган "дошишман" ким бўлди?

Афсуски, кейинги пайтларда ана шунча "дошишман"лар анчагина учраб турибди. Буюк бобокалонимиз Амир Темур таваллуди нишонланган кезлар эди. Ҳукуматимиз махсус қарор қабул қилган.

Самарқанд шаҳри тугаб, Катта Ўзбек трактини Китоб сари йўл солганимизда илк йўл патрул хизмати қароргоҳи олдида бир лавҳа уч йилча қўзга тикан каби қадалиб турди. Унда доvon номи бир "дошишманнинг қаромати" билан "Қоратахона" номи олибди! Ойнаи ҳақонда тақдир ҳазили билан тарихимиз ўзгариб кетиши мумкинлиги ҳусусида сўз айтиш имконияти билан гоят банд чоғим хорижий радио муҳбири бўлган бир хамкасбимиз кўнгирик қилиб қолди. Одатдагидек интервью беришни сўради. Мавзунини суриштирдим. "Ўзбекистонда сиёсий реклама кўпайиб кетаётганига муносабат билдирсангиз".

— Қанақа сиёсий реклама мени айтаяқсиз? — сўрадим ундан.

— "Ўзбекистон — келажак"

Канийди ундан оқилорарок фойдаланолсак. Масалан, Навоийнинг:

"Неча зарурат ичра қолган чоғи, Чин демас эрсанг дема ёлган доғи",

"Тиндирур бою чийоғини ҳоқини равшан замир, Ёритур обод ила вайронани меҳри мунир",

"Кўнгалга фугур ўлмайн роз очилмас, Садаф гар бутун бўлса, гаҳар сочимас",

каби бетакрор лутфларини муносиб жойларга битиб қўйсак. Дейлик чегара минтақасида, харбий қисмларда ул улуг зотнинг "Гофил ўлма назардин итса аду, шам ўчиргонда ел кўри-нурму" сингари сатрларини битиб, заъв ва маъно дурларини терсак. Жамиятимизда эзгулик янада кўпроқ бўлмасми?

Широр ва лаҳаларнинг пурмаъно бўлиши, куруқ даъват ва декларативликдан қанча узоклашиб, бадийлик, мантаний мазмун ва фалсафа билан бойиши айни мундоқдир. Бундай сўз кишида туйғу ва фикр ўйгога олади. Биз куруқчи бўлаётган буюк келажак эса бейфарқ бўлмаган, самимий туйғуларга бой, ўз муқтадлик фикрига эга инсонларникидир.

Сиз нима дейсиз?

А. РАҲИМ ўғли

# НАВОЙИДАН "ОҚИЛ" РОҚ ЗАМОНДОШ

## ёхуд широрларимиз кимга малол?

та тугилди. Хайрият, анча вақт ўтган, лавҳани бироз ўзгартиришибди. Энди у доvonнинг номи "Тахтиқорачи" эмис. Тарихий ҳақиқатнинг қарийб 90 фоизи тикланганидан ва қолган бир харф ҳам яқин орада тўғрилишидан умидвор бўлиб турибмиз.

Бу каби фактларга унча эътибор қилмасак ҳам бўларди. Аммо биз бугун очик жамиятда яшаймиз. Жаҳон кўз ўнгидамиз. Маданиятимиз, тарихимизга эътиборсизликда, чаласаводликда айбланишимиз яқин бўлмас.

Яқинда тахририят ишлари

ти тугилди. Хайрият, анча вақт ўтган, лавҳани бироз ўзгартиришибди. Энди у доvonнинг номи "Тахтиқорачи" эмис. Тарихий ҳақиқатнинг қарийб 90 фоизи тикланганидан ва қолган бир харф ҳам яқин орада тўғрилишидан умидвор бўлиб турибмиз.

Бу каби фактларга унча эътибор қилмасак ҳам бўларди. Аммо биз бугун очик жамиятда яшаймиз. Жаҳон кўз ўнгидамиз. Маданиятимиз, тарихимизга эътиборсизликда, чаласаводликда айбланишимиз яқин бўлмас.

Яқинда тахририят ишлари

хусусий рекламалар кўплигини таъкидлаш керак. Бирок, хар бир давлатда ўзига хослик бор. Бу бошқа мамлакат кишисига гайритаъбий бўлиб туюлиши эҳтимол. Масалан, хар бир америкалик ўз ушайда мамлакат байрогини оёиб қўйишни тушунган киши ватан тимсолларидан ифтихор қилиш деб йлади. Бошқага у ўша сиёсийлашув, қандайдир бачканаликдек туюлиши ҳам мумкин.

Шаҳсан менга келсак, широр, лавҳаларни нафақат беъзақ, балки маърифат тарқатиш усули деб биламан.

## Дараклар

### Ё. АРОФАТ БАЙРУТГА БОРАДИМИ?

Америка Қўшма Штатлари Ёсир Арофатга унинг Араб мамлакатлари Лигаси саммитида иштирок этишига имконият яратиши учун Исроил ҳукумати таъсир ўтказмоқда.

Оқ уй матбуот котиби Ари Флейшер Президент Буш вазири Ариэл Шарон ва унинг маъхамаси Ёсир Арофатнинг Байрутдаги саммитда иштирок этиши масаласини "ўта жиддий равишда" кўриб чиқишдан умидворлигини айтган.

Ж.Буш араб давлатлари раҳбарларини саммит чоғида "вазиратни ўтказиб юбормасдан" Саудия Арабистонига даъват этди.

### ХАМИД КАРЗАЙ ЭСА ЗОИРШОХНИ МИЛЛАТНИ БИРЛАШТИРУВЧИ, УРУШЛАР ОҚИБАТИДА ПАЙДО БЎЛГАН ЭЛАТЛАРАРО ИРАЛАРГА МАЛ-ХАМ КЎЯ ОЛАДИГАН ШАХС СИФАТИДА ЭЪТИРОФ ЭТМОҚДА.

Зоиршоҳ июн ойида умуммиллий анжуман - Лойи Жиргани очиб бериши режалаштирилган.

### ТАЙСОН ЯНА РИНГГА ЧИКАДИ

Леннокс Льюс бокс бўйича жаҳон чемпиони номини сақлаб қолиш учун Майк Тайсон билан беллашади. Боксчиларнинг вакиллари яқинда шу ҳақда келишиб олди.

Илгарироқ келишувга эришининг сўнгги мuddати 25 март деб белгиланган эди. Британиялик ва америкалик боксчиларнинг вакиллари нихоят бу борада бир қарорга келишди. Жанг жорий йилнинг 8 июнида АКШнинг Теннесси штатидаги Мемфис шаҳрида жойлашган "Пирамида" залида бўлиб ўтади. Залга 20 миң томошабин бемалол сиғиши мумкин.

Showtime телевизион клуби "Пирамида" маъмуриятига бу уйин учун 12.5 миллион доллар тўлашга қарор берди. Урашувнинг шунча вақт кечтирилишига ҳам ана шу молиявий масала ҳал этилмагани сабаб бўлаётганди.

### ОСКАР ЎЗ СОХИБЛАРИНИ ТОПДИ

АКШ Киноакадемиясининг Оскар мукофотини тақдим этиш маросими доимо бутун дунёда катта қизиқишларга сабаб бўлади.

Бу йил ушбу маросимга алоҳида тайёргарлик қўрилди. Жумладан, бундан буён барча маросимлар ўтказиладиган зал барпо этилди.

Янги бинода ўтган анжуманда янги зelandиялик Р.Ховарднинг "Ақл уйинлари" фильми "Энг яқин фильм" номинацияси бўйича голиб деб топилди. Рон Ховард — энг яқин режиссура учун, Акира Голдсмен — энг яқин сценарий учун, фильмда Нэшер ролини уйнаган Женефер Коннелли иккинчи пландаги аёл ролни учун Оскар соҳиблари бўлишиди.

"Энг яқин аёл рол учун", "Энг яқин эркек рол учун" мукофотлар "Монстринг бали", "Машгулот кун" фильмлари қаҳрамонлари ролини ижро этган Хелл Барри ва Дензел Вашингтонга насиб этди.

## Луқма

# ЙЎЛ БУЗИЛДИ-Ю, ТУЗАТИЛМАДИ

Барчамиз кундалик турмушда неча бор транспорт, алоқа, мановий ва коммунал хизмат билан боғлиқ масалаларга дуч келамиз. Коммунал хизмат булар ичида "сергалвалиги" билан ажралаб туради. Аслида бу соҳада олиб борилаётган ислохотлар халқ манфаатига хизмат қилиши керак. Бирок, баъзи ҳолларда аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётган муаммолар мавжудлиги ҳам бор гап.

Биргина мисол. Бир ой аввал Тошкентнинг Афросиёб шoҳ қўчаси 12, 12/1 уйлари олдида асосий сув қувурининг бир қисми таъмирланди. Иш давомида ўша ердаги дархатлар, асфальт йўл кўприк ташланди. Лекин таъмир яқунланганига бир ойдан ошдики, халқ ҳам ерлик аҳоли учун ягона бўлган йўл лой, балчиқа беланиб ётибди. Шаҳарнинг марказига эътибор шу тахлит экан, туманлардаги аҳоли йўлгаудек бўлса, ажаб эмас. Ҳозирги кунда мамлакатимизда "ЖЭК"лар ширкатларга айлантира бориши билан коммунал хизмат кўрсатиш ташкилоти ва фойдаланувчилар ўртасида янги шартнома ра тузила бошлади. Шу боис ширкатнинг эски шартнома бўйича айрим муаммоларни ҳал этишни сўраб тегишли ташкилотларга қўрилган мурожаатни жавобсиз қолмоқда. Масалан, сув етказиб беришни ташкилот халқ барча хонадонлар билан янги шартнома тўзиб улгурмаган. Аҳоли эса бу борадаги муаммолар ечимини қимдан талаб қилишни биламай овероқ сарсон. Ҳўш, бу вазиятда аҳолига ким ёрдам беради?

Ҳабибулло АБДУЛМАЖИД

## Ташаббус

# МАЪРИФАТПАРВАР... РАҲБАРГА МУРОЖААТ

Сурхондарёда антиқа тахрибага қўл урилди: вилоятда чиқадиган етакчи нашрларга обуна уюштириш учун икки эмас, уч эмас, етти йирек ташкилотнинг етти раҳбари вилоятдаги ташаббускор маърифатпарварларга мурожаат билан чиқди. Унда айтилишича, воҳанинг етакчи нашрлари бўлиши "Сурхон тонги", "Заря Сурхана", "Садои Сурхон" газеталарига хайрия тарзида обуна бўлиш фойдалан холи нараса эмас экан.

Мурожаатда таъкидланишича, бунёдкорлик, ўзгаришлар ва меҳр-оқибатга бой бу йилда матбуотга эътибор хар қанондан-да юксакроқ бўлиши талаб этиларкан. Шу маънода вилоятнинг етакчи нашрларини жиндай қўллаб-қувватлаш сурхондарёликлар хонадонларига, кўнгилларига мунтазам маърифат нурини олиб кирмок дегани экан. Бундай савоҳатдан бироз четда қолган айрим раҳбарларга бу мурожаат қанчалик таъсир этди экан, билмадик, аммо идора ташвишларидан ортиб, эртдан эртдан даяват билан чиққан етти азаматни олқишлаймоқ керак.

Кейинги пайтларда зинадан, ошкора матбуотни рағбатлантиратган, журналистнинг маънавий маҳсули бўлиши мақолаларга (хоҳ очерк, хоҳ фельетон) эътиборни қўйиб қўйиб қўйиб раҳбарлар сони кўпаймоқда. Албатта, бу яхшиликдан аллоҳат. Шундай экан, матбуотчилар ҳам илдам ҳаракат қилиши, хар доим ҳам раҳбарларнинг ҳаминга қараб ўтирмаслиги лозимга ўқшайди.

Д.ОРИПОВ

### ЗОИРШОХ АФГОНИСТОНГА КЕЛОЛМАЯПТИ

Афғонистоннинг собиқ шoҳи Зоиршоҳ ўтган сешанба кунги 1973 йилда тарк этишга мажбур бўлган мамлакатига қайтиши лозим эди. Бирок унинг ҳафсиаллиги учун маъсуллик ҳис этилган Италия ҳукумати ҳозирча шoҳнинг Афғонистонга қайтиши мавриди эмас, деган фикрга келди.

Шунга қарамай, Афғонистонда воқеа бўлиб турган Халқаро тинчликни таъминлаш кучлари вакиллари бу фикрга қўшилмаптилар. Жумладан, Афғонистон Муваққат ҳукумати раиси Хамид Карзай билан мулоқотда бўлган Франция Ташқи ишлар вазири Юбер Ведрин шoҳнинг ватанига қайтишига монелик қиладиган ҳеч қандай сабаб мавжуд эмаслигини айтди.

## Хабар

# САХОВАТ АЙЁМИ

Наврўз тантаналари халигача юртимизнинг чекка-чекка овулларида, маҳаллаларида зўр шодоналар билан давом этмоқда. Зеро, тўкин-сончилик, бирдмаллик айёми халқимизнинг ажраламас миллий қадрияти сифатида хар йили ўзгача нишонланиши сир эмас.

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов тумани "Истиқлол" маҳалласида ҳам байрам кенг нишонланиб, тантаналар билан давом этмоқда. Эро, тўкин-сончилик, бирдмаллик айёми халқимизнинг ажраламас миллий қадрияти сифатида хар йили ўзгача нишонланиши сир эмас.

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов тумани "Истиқлол" маҳалласида ҳам байрам кенг нишонланиб, тантаналар билан давом этмоқда. Эро, тўкин-сончилик, бирдмаллик айёми халқимизнинг ажраламас миллий қадрияти сифатида хар йили ўзгача нишонланиши сир эмас.

тантанавга қолганларни байрам билан қизгин қўтларди.

Сўнгра қарияларни қадрлаш йили муносабати билан ўтказилган тадбир ҳам Наврўзнинг мантаний давоми сифатида қўнчиликда катта таассурот қолдирди. "Қамолот", "Маҳалла" жағғармаларининг етакчилари ушбу

йилда мамлакатимизда олиб борилаётган хайрли ишлар ҳақида сўзлаб бердилар. Тадбирларни ўқитиришда бевосита ҳамийлик қилган мақалли раиси Ж.Ҳафизовнинг савоҳатидан мамнун бўлган кексаларимиз дуога қўл очиди.

Мавзуа ҚОДИРОВА





Хушxabар

КУРАШ ГЕРМАНИЯДА

Ўзбекистондаги бирор тантанаю тўй ёки Наврўз байрамими миллий спорт тури бўлган курашсиз тасаввур эта олмаймиз

Шу йилнинг февралда Германияда Ўзбек кураши тақдими бўлиб ўтган эди. Тақдирот германияликларда жуда катта таассурот қолдирди.

Яқинда Ўзбекистоннинг Германия Федератив Республикасидаги элчихонаси ташаббуси билан Берлин шаҳрида Халқаро кураш ассоциацияси (ЖКА) илк бор немис халқига кураш бўйича курғазмали чиқишларни намойиш этди.



— Ё, пирим!..

МУСТАҲКАМ СОҒПИҚ ВА ТЕТИК РУҲ

Ўзбек халқининг миллий спорт тури бўлиши кураш деярли 3 минг йиллик тарихга эга. Кураш сўзи "қурак" сўзидан олинган бўлиб, рақиб елкасини ёрага тегизмоқчи ифодалади.

ЖУҲҶИН ВА ХАВФСИЗ

Курашнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, унда фақат тик туриб беллашилади. Курашчилардан бирининг тизаси ёрага тегши билан кураш тўхтаб қолмайди.

БЕРЛИНДА НАМОЙИШ

1998 йилнинг сентябри — Ўзбекистон пойтахтида 28 давлат вакиллари Халқаро кураш ассоциациясининг — бугунги кунда Ўзбек курашининг халқаро ареналарда тақдим этувчи расмий ташкилотни тўзди.

Яқинда Ўзбекистоннинг ГФРдаги элчихонаси ташаббуси туфайли ЖКА Берлин шаҳрида илк бор немис халқига кураш бўйича курғазмали чиқишларни намойиш этди.

Ассоциация фаолияти ҳақида унинг президенти Комил Юсупов шундай хикоя қилади: — 1999 йил май ойи бошида Тошкент илк бор кураш бўйича ўтказилган I-жаҳон Чемпионатига гувох бўлди.

ЭРКАКЛАР БИЛАН ТЕНГМА—ТЕНГ

Энг қизғини шундаки, кураш билан аёллар ҳам шуғулланишлари мумкин. 1999 йил июнь ойида Ассоциация томонидан аёллар ўртасида кураш бўйича илк бор халқаро турнир ўтказилди.

(Мақола хориж матбуотидадан айлани олинди) Хужакар НОҲҚОБУЛОВА тайёрлади.

Дипломатия

Европанинг жануби-шарқида жойлашган Греция яқин-қўнларгача қитъанинг энг оповли нуқталаридан бири эди.

Бу "эски" Греция эди. Янги Греция аввалгисидан фарқ қилади. Мамлакат Бош вазири мансабига Костас Симитис тайинлангани билан у Афина Европа, Болкон давлатлари ва АҚШ билан яқин муносабатлар ўрнатишга киришди.

Хамжамиётга тенг ҳуқуқли аъзо сифатида қирғанди. Бирок қитъада рўй берган баъзи сиёсий воқеалар, хусусан, серб-албан можазори си мамлакат обрўсига турли даражада таъсир этди.

Бир муддат аввал Симитис Вашингтонга таширф чоғида АҚШ президенти Жорж Буш билан учрашди. Президент Буш Греция сиёсатидаги янги нуқтаи назарни маъқулади, хусусан, Туркия билан олиб борилаётган дўстона алоқалар чин мамнун этяганини билдирди.

ги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар 1999 йилда бошланган эди. Бирок айни шу йили яна бир ҳодиса рўй бердики, бу воқеа "сценарий муаллифи"га обрў келтирди.

НATO эса бу ҳудудни бомбардимон қилишда давом этарди. Ҳукуматнинг мамлакатга кенг миқёсда оқиб кираётган қочқарлар масаласи баҳонасида Сербияга қарши амалга оширилаётган ҳаво ҳужумларини тўқатишни сўраб NATOга қилган мурожаати ҳам, грекларнинг Афина кўчаларида уюштирган норозилик чиқишлари ҳам натижа бермади.

Бирок режа ниҳоясига етмади. Туркия ҳам анойилардан эмасди. Мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари Пангалоснинг маъфий топшириғи ҳақида олдиндан маълумотга эга эдилар. Бу мағлубият ҳам Симитисни Греция ташқи сиёсатини қайтадан қўриб чиқишга мажбур этди.

"ҚИЛ КЎПРИК"ДАГИ ҚАДАМЛАР "Биз ҳар бир сиёсий жараёнда доимо қарама-қарши томонда бўлиб келдик, — дейди Грециянинг Болкондаги вакили Алекс Рондос. — Шу боис ҳам Фарба биз ҳақиқида салбий фикрлар шаклланиб улгурди".

НATO эса бу ҳудудни бомбардимон қилишда давом этарди. Ҳукуматнинг мамлакатга кенг миқёсда оқиб кираётган қочқарлар масаласи баҳонасида Сербияга қарши амалга оширилаётган ҳаво ҳужумларини тўқатишни сўраб NATOга қилган мурожаати ҳам, грекларнинг Афина кўчаларида уюштирган норозилик чиқишлари ҳам натижа бермади.

27 ЙИЛЛИК ТАНАФФУС Бундан ўн йил олдин Греция ва Туркия ўртасида дўстона муносабатни тасаввур қилиш қийин эди. Бирок иккала давлат раҳбарлари ҳам халқаро ҳамкорлик, алоқаларни ривожланиш мумкин эмаслигини ниҳоят тўшунди.

чорак аср ўқиб ошганда! Учрашувда Парандреу ва унинг туркиялик ҳамкасби узоқ суҳбат қуришди ҳақида икки давлат ўртасида келгуси ҳамкорлик алоқалари йўналишини белгилаб олинди.

АҚШ эса яқин кунларда Грециядаги "17 ноябрь" террорчилик гуруҳини йўқ қилиш бўйича ҳаракатлар бошлашини маълум қилди. Албатта, Афина антитеррор ҳаракатлари ёрдам бериши аниқ, Сабаби, бир неча йил аввал турли жанжалларга сабаб бўлган Греция бугун Болкондаги энг тинчликсевар давлатлардан бирига айланган улгурди.

27 ЙИЛЛИК ТАНАФФУС Бундан ўн йил олдин Греция ва Туркия ўртасида дўстона муносабатни тасаввур қилиш қийин эди. Бирок иккала давлат раҳбарлари ҳам халқаро ҳамкорлик, алоқаларни ривожланиш мумкин эмаслигини ниҳоят тўшунди.

чорак аср ўқиб ошганда! Учрашувда Парандреу ва унинг туркиялик ҳамкасби узоқ суҳбат қуришди ҳақида икки давлат ўртасида келгуси ҳамкорлик алоқалари йўналишини белгилаб олинди.

АҚШ эса яқин кунларда Грециядаги "17 ноябрь" террорчилик гуруҳини йўқ қилиш бўйича ҳаракатлар бошлашини маълум қилди. Албатта, Афина антитеррор ҳаракатлари ёрдам бериши аниқ, Сабаби, бир неча йил аввал турли жанжалларга сабаб бўлган Греция бугун Болкондаги энг тинчликсевар давлатлардан бирига айланган улгурди.

АҚШ эса яқин кунларда Грециядаги "17 ноябрь" террорчилик гуруҳини йўқ қилиш бўйича ҳаракатлар бошлашини маълум қилди. Албатта, Афина антитеррор ҳаракатлари ёрдам бериши аниқ, Сабаби, бир неча йил аввал турли жанжалларга сабаб бўлган Греция бугун Болкондаги энг тинчликсевар давлатлардан бирига айланган улгурди.

Ихтиро

МАКЕДОНСКИНИ ҚУТҚАРГАН МУЗҚАЙМОҚ

Менинг бир одатим бор. Ҳар бир нарсанинг келиб чиқиши, илдизига етгим келаверади. Гапим бироз ўхшамаса-да, айтмай, ҳам узумини ейишни, ҳам боғини сўраб суриштиришни ёқтираман.

А.ОМОНДУРДИЕВ


Ҳақиқатан ҳам, инсоният билмаган ҳолда буюк кашфиётларга қўл уради-ю, кейинчалик ақл-заковатининг гўзал намуналаридан ўзи ҳам хайратга тушиб яшайди.

Жуда қадим замонлардан оқиб келган саратоннинг иссиқ кунлари мева суварига қор ва муз аралаштириб истеъмол қилганлар. Музқаймоқни ким иختиро қилгани тарих китобларида аниқ ёзилмаган бўлса-да, ширинликнинг кашфиётчилари сифатида ҳиндистонликлар эътироф этилади.

Бу қадим замонлардан оқиб келган саратоннинг иссиқ кунлари мева суварига қор ва муз аралаштириб истеъмол қилганлар. Музқаймоқни ким иختиро қилгани тарих китобларида аниқ ёзилмаган бўлса-да, ширинликнинг кашфиётчилари сифатида ҳиндистонликлар эътироф этилади.

Орадан неча-неча аср ўтиб, 1780 йилларга келибгина музқаймоқ сут маҳсулотлари қўшила бошлади. Бу даврда музқаймоқлар ҳозиргиларга ўхшаб кетади.

С.САЛИМ тайёрлади.



Энг, энг, энг...

Буюк Британиялик боғбон Алан Смит оғирлиги 1,67 кг олмани етиштирган ягона боғбондир. Мана бунга олма деса бўлади.

1985 йил машҳур агроном Роберт Киркпатрик АҚШнинг Калифорния штатида оғирлиги 1,19 кг саримсоқ пиёз етиштириб Гиннесснинг "Рекордлар китоби"га тушишга муваффақ бўлган.

Ананаснинг энг каттаси борлигини эшитмаган бўлсангиз керак. Бу ананас 1994 йил Палуа-Янги Гвинейдаги машҳур боғбон Э.Намуко томонидан етиштирилган бўлиб, нақ оғирлиги 8,06 кг. Дунёда ягона ананас Гиннесснинг "Рекордлар китоби"га киритилган.

Буюк Британиянинг Честерфилдда виллоятининг агрономи Жон Хэндбер 1998 йил ўзининг даласида замонавий ўғитлар билан алоҳида парвариш қилган учун катта ҳам, кичик ҳам эмас, 61,23 кг майда ошқовоқ (кабачка) етиштирди.

Канаданинг Онтарио вилояти мукдадас туپроғида Гари Берк томонидан алоҳида парвариш қилган қовоқ пишиқ етилганда узиниб тортилса, оғирлиги кўп ҳам эмас, оғир ҳам эмас, нақ 495 г чиққани маълум бўлди.

1997 йил Нидерландиянинг "Игло-Ола Продукт" компаниясининг ижодкор ишчи-хизматчилари мевали музқаймоқ тайёрлаб ном қозонди.

Мухими шунки, кураш орқали жаҳон жамоатчилиги Ўзбекистон ҳақида, унинг кўна тарихи ва бой маданияти ҳақида қимматли маълумотларга эга бўлмоқда.

А.ТУРСУН тайёрлади.

Анъана

Францияда эркаклар 18, қизлар эса 15 ёшдан турмуш қуриш ҳуқуқига эга. Никоҳ ёшига етмаганлар, лекин оила қуришни жуда-жуда истовчилар ҳукуматдан махсус рўхсатнома олишларига тўғри келади.

Тўйда... БЕКИНМАЧОҚ Шаҳар чеккасидаги хушманзара ҳовлиларда ўтадиган тўйлар ҳам гўзал бўлади. Тўй қилаётганлар ўз иқтисодий имониятидан келиб чиқиб меҳмон қачқариладилар.

50-йиллари қариялар тўйларга, маъракаларга юқори Мирза Юсуфдан бунча одам айтгин, паст Мирза Юсуфдан (сув чеккалари шундай аталарди) бунча одам айтгин деб топшириқ беришар эди.

1935-36 йиллари бизнинг маҳаллага "Бодомзор" номи берилган эди. Бир суҳбат чоғида раҳматли отамдан нега ном ўзгартрилган деб сўрасам, Мирза Юсуф оқ подшога хизмат қилган, шунинг учун номи ўзгартрилган деган эдилар. Бугунги кунда ўйлаб қарасам, тўғри қилинган экан.

Маҳалламиз номини олдин онамиздан, тоғаларимиздан ва маҳалла қарияларидан Мирза Юсуф деб аталганини эшитганман. Нима учун Мирза Юсуф деб аталганини энди билдим, chunki шу ерлар губернаторнинг мизаси Мирза Юсуфга тўхфа қилинган экан.

Хатлар тахрирсиз берилди.

турли совғалар беришади. Францияда тўйлар фақат хафтанинг шанба кунлари ўтказилади. Тўй кунини эрталаб келин-куёв шаҳар ҳокими хузурида қонуний никоҳдан ўтишади, кейин эса черковда "хутба" ўқитишади.

қадимдан қолган урф-одатларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, тўй зиёфатида қатнашганлардан келин-куёв келин-куёв шаҳар ҳокими хузурида қонуний никоҳдан ўтишади, кейин эса черковда "хутба" ўқитишади.

Тўйдан кейин аксарият янги оила қурганлар ота-онаси билан алоҳида яшашни афзал билишади. Хозир амалда қизлар 22-30 ёш оралиғида турмушга чиқишаётган бўлса, эркакларнинг кўпчилиги 25 ёшдан кейин ўйланишмоқда.

Мирза Юсуф оқ подшога хизмат қилган, шунинг учун номи ўчирилди, деган эдилар отам. Бу ҳақиқатни хозирги ёшлар ҳам билиб қўйсалар фойдадан холи бўлмасди. Сизларга раҳмат. Абдуялов СОДИҚОВ

Содик амаким шу маҳалла комиссиясида хизмат қилганлар. Уша даврларда мен у кишининг оғиздан тушмайдиган бир гапни эсламан.

Яқинда "Хуррият" газетасини кўздан кечира туриб "Мирза Юсуф ким бўлган?" деган сарлавҳага кўзим тушди. У кишини яқинлик билан эслаганимлар учун мақола муаллифига ўз миннатдорчилигини билдирмаман.

